

**“Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш марказининг
давлат харидларини ўтказиш учун одоб-ахлоқ
Қоидалари**

Мазкур давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали оператори ходимлари учун одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги уринларда - Қоидалар) Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда - Марказ) ходимларининг махсус ахборот портали оператори сифатида одоб-ахлоқ этикаси принципларини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидаларда қуйидаги термин ва таърифлардан фойдаланилади:

Марказ имиджи - мижозлар, ҳамкорлар ва жамоатнинг Марказ обриси, кўрсатаётган хизматлари сифати, ишончлилиги, ҳамкорларига, ахборотлар очиқчилигига, бизнес фаолликка нисбатан содиқлиги ҳақидаги тасаввури;

Мижоз - давлат харидлари бўйича электрон савдоларда давлат буюртмачиси, иштирокчи ва ижрочи сифатида қатнашувчи шахслар;

Марказ имиджига зарар етказиш - ёзма ёки оғзаки равишда ҳақиқатга мос келмайдиган, Марказ фаолияти ёки Марказ ходимлари ҳақидаги ёлғон ва обрусини туширувчи маълумотларни тарқатиш, шу билан бир қаторда жамоа фикрига салбий таъсир кўрсатувчи маълумотларни ижтимоий тармоқлар орқали тарқатиш;

Махсус ахборот портали оператори - давлат харидларининг субъектларига харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш, махсус ахборот порталига эълонларни, буюртманомаларни ҳамда давлат харидлари ва уларнинг яқунлари тўғрисидаги бошқа ахборотни жойлаштириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи махсус ваколатли юридик шахс;

Одоб-ахлоқ қоидалари принциплари - Марказ ходимлари томонидан бажарилиш мажбурий бўлган, уларнинг ноҳалол ҳатти-ҳаракатлардан асрайдиган шахсий ва профессионал ҳатти-ҳаракатлари нормалари йиғиндиси;

Коррупцияга қарши одоб-ахлоқ стандартлари - коррупцион вазиятлар ва уларнинг оқибатларини енгиш ва бартараф этишга қаратилган ҳаракат ва чоралар рўйхатини ўз ичига олган қоидалар;

Марказ ходими - Марказ билан меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-шартномасини тузган Марказ ишчиси.

2. Ушбу Қоидаларда белгиланган талаблар барча Марказ ходимлари фаолияти ва/ёки ўзаро, мижозлар ва бошқа шахслар билан муносабатларда риоя этишлари учун мажбурийдир.

3. Ушбу Қоидаларнинг асосий мақсади ва вазифалари қуйидагилардан иборат: электрон давлат харидларида қулай ва ишчанлик мухитини яратиш;

Марказ ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари принципларининг бир ҳилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш;

одоб-ахлоқ қоидалари принциплари, мижозларнинг ҳуқуқлари бузилишини баргараф этиш, Марказнинг ишчанлик обриси ва мулкига, мижозларга зарар етказилишини олдини олиш;

коррупцияга қарши одоб-ахлоқ стандартларини шакллантириш.

4. Марказ раҳбарияти ва тегишли департамент/бўлим бошлиқлари корпоратив одоб-ахлоқ ва касб этикаси нормалари бузилиши, шунингдек бундай қонунбузилишларга йул қўйилишининг сабаблари ва шароитларини аниқлаш, уларни олдини олишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар.

II. Одоб-ахлоқ қоидалари принциплари

5. Одоб-ахлоқ қоидалари принциплари вужудга келган энг яхши амалиёт ва иш муомаласи одатларининг асосий принципларини ўз ичига олади.

6. Одоб-ахлоқ қоидалари асосий принциплари қуйидагилардир:

одоб-ахлоқ қоидаларининг очиқлиги, ошкоралиги ва оммавийлиги;

ўзаро муносабатларда ишонч, ҳалоллик ва тўғрилиқ;

иш амалиётда ва коррупцияга қарши одоб-ахлоқ стандартларини қўллашда қонунларга сўзсиз риоя этиш;

иштирокчиларнинг касбий маҳорати;

ахборотнинг очиқлиги;

сабрлиқ, бағрикенглик ва ўзаро муносабатларда юқори маданият.

7. Иштирокчилар ўзларининг кунлик фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя этишлари шарт. Ҳеч қандай фавқулодда ва бошқа алоҳида ҳолатлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидалар бузилганлигини оқлаш учун асос бўла олмайди.

Марказ ходимига, бошқа Марказ ходими томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ёки Марказнинг ички ҳужжатлари бехосдан бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлиги маълум бўлиб қолган ҳолларда, бундай Марказ ходими қонунни бузган Марказ ходимига унинг ҳаракатлари билан қонун ҳужжатлари бузилаётганлиги ва унинг оқибатлари ҳақида маълум қилиши шарт.

Марказ ходимига, бошқа Марказ ходимининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ёки Марказнинг ички ҳужжатларини бузиш нияти ҳақида маълум бўлиб қолган ҳолларда, бундай Марказ ходими қонун ҳужжатлари бузилишинининг олдини олиш бўйича, шу жумладан қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширувчи Марказ ходимларини хабардор қилиш орқали барча чораларни кўриши шарт.

8. Манфаатлар тўқнашуви пайтида ходимнинг ўз хизмат вазифасидан ноқонуний фойдаланган ҳолда, ўзи учун ва у томонидан манфаати бевосита ёки билвосита ҳимоя қилинаётган бошқа шахслар, корхона, муассасалар учун ғаразли фойда ва (ёки) имтиёз олиш мақсадида шарт-шароитлар яратишга қаратилган ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, ушбу Қоидаларга нисбатан коррупцион хавфли ҳаракат ҳисобланади.

Ходим, у қандай лавозимни эгаллашидан қатъий назар, коррупцион вазиятлар ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш ва енгиб ўтишга қаратилган коррупцияга қарши барча чораларни кўриши лозим.

Коррупцион ҳуқуқбузарликлар содир этишга ҳаракат қилишга оғдириш учун бирор-бир шахслар томонидан унга муурожаат қилинган барча ҳолларда, бу тўғрида узининг бевосита раҳбарига ёки Марказ раҳбариятига дарҳол ахборот бериш, ходимнинг маънавий бурчи ҳисобланади.

Ходимда коррупцияга қарши одоб-ахлоқ кўникмаларини шакллантириш зарурати, унга ўзига нисбатан онгли равишда ахлоқий мажбуриятлар, чеклашлар ва тақиқлар қўйилишини назарда тутати.

Ходимнинг маънавий поклиги, виждонини сотмаслиги, Марказ манфаатларига ва хизмат вазифасига содиқлиги, коррупцияга қарши касб - этика ва одоб-ахлоқ стандартларининг асосини ташкил этади.

9. Марказ ходимлари мижозлар билан муносабатларда тенглик принципига риоя этишлари, бошқаларга нисбатан афзал муносабатларни ва камситилиш ҳолатларини юзага келишига йул қўймасликлари керак.

10. Марказ ходимлари ўз фаолиятини амалга оширишда Марказ имиджига зарар етказиши мумкин бўлган қарама-қаршилиқларга йул қўймасликлари шарт.

11. Қуйидагилар манфаатлар тўқнашувининг шартлари ҳисобланади:

Марказ ходимининг манфаатдорлиги унинг ўзига юклатилган вазифаларни объектив бажаришига таъсир этади ёки таъсир этиши мумкин;

Марказ ходимининг манфаатдорлиги мижознинг (мижозларнинг) қонуний манфаатларига қарши келади ва у бундай қонуний манфаатларга зарар етказишга қодир бўлади.

12. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун Марказ ходимлари:

бирор-бир мижозга бошқасига зарар етказган ҳолда имтиёз беришга;

мижозларга хизмат кўрсатиш пайтида бирор-бир сабаб ёки асос билан уларни камситишга;

электрон давлат харидларида иштирок этишга;

тижорат соҳасида мижозлар билан шартномавий муносабатга киришишга ҳақли эмас.

13. Марказ мижозларга хизмат кўрсатишда барча мижозлар учун хизмат кўрсатиш шартларининг бир хил бўлишини таъминлаши лозим.

14. Ахборотнинг очиқлиги, Марказ фаолиятининг асосий принципларидан бири ҳисобланади. Марказда ахборотнинг очиқлиги Марказ тижорат ва хизмат сирини бўйичагина чекланиши мумкин.

15. Марказ ходимлари хизмат (профессионал) вазифаларини бажаришлари вақтида, ўзларига маълум бўлиб қолган махфий ахборотни сир сақланиши бўйича барча чораларни кўришлари шарт.

Марказнинг ёки мижозларнинг хизмат ёки тижорат сирларига оид махфий маълумотлари (ушбу маълумотлар эгасининг ёзма розилигини олмасдан туриб) ошкор этилиши ёки учинчи шахсларга ҳақ эвазига ёки текинга берилиши таъқиқланади.

16. Марказ ходимини ҳақорат қилиш, Марказ ва мижознинг ишчанлик фаолияти ва имиджига зарар етказиши мумкин бўлган, ёлғон маълумот ва миш-миш тарқатишга, фактларни манипуляция қилишга, тухмат ва уйдирмаларни тарқатишга йул қўйилмайди.

17. Марказ ходимлари бошқаларнинг дунёқараши, турмуш тарзи, одоб-ахлоқи ва удумлари, жинси, миллати, диний эътиқодидан қатъий назар, уларга нисбатан сабрли бўлишлари шарт. Улар бошқаларнинг ўз дунёқараши билан яшаш ва ўзига хос маданий кадрларга хизмат қилиш, ўз фикрини билдириш, ўзига хос хусусиятларини намойиш қилиш ҳуқуқини хис этадилар ва уларни қадрлайдилар, бошқа маданиятларни тушунадилар ва ҳурмат қиладилар.

Марказ ходимлари профессионал фаолиятларида ўзларининг одоб-ахлоқлари ва ташқи кўринишлари билан жамиятда шаклланган маданият ва урф-одат нормаларига эътиборсиз бўлишдан ва ҳурматсизлик қилишдан тийилишлари шарт.

18. Марказ ходимлари мулоқотларда ўзаро ҳурмат кўрсатишга ва сабрли бўлишга мажбурдирлар. Меъёрий бўлмаган лексика, қўрқитиш ва ҳақоратлардан фойдаланиш қатъий тақиқланади.

III. Манфаатлар тўқнашуви ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари

19. Марказ ходимлари ўз хизмат вазифасини бажариш давомида Марказ имиджига зарар етказувчи манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи шахсий ғаразга йўл қўймасликлари шарт.

Манфаатларнинг тўқнашувини, ходимнинг номига маънавий зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда хизмат вазифаси ва шахсий ғаразли манфаатлар ўртасидаги қарама-қаршилик ташкил этади.

Ходим ёки у хизмат ёки бошқа норасмий муносабатлар билан боғлиқ бўлган шахслар учун ҳар қандай шаклдаги фойда олиш имконияти, ходимнинг шахсий ғаразли манфаати деб ҳисобланади.

Қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари, ходимлар томонидан совға, мукофот олиш ёки бериш, шунингдек турли мулозамат, хизматлар кўрсатиш (кейинги ўринларда - совғалар деб юритилади), этика жихатидан ноаниқ вазиятларни келтириб чиқариши, манфаатлар қарама-қаршилигини юзага келтириши мумкин.

Ходим совға олиш ёки беришда, совға берган (олган) шахсга нисбатан тобе ҳолатга тушиб қолади, бу эса коррупцияга қарши одоб-ахлоқ стандартларига зид ҳисобланади.

Қабул қилган қариндошлик, юртдошлик, ўртоқлик муносабатлари юзасидан совғалар олиш (топшириш), манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармаслиги керак.

20. Марказ ходими манфаатлар тўқнашуви юзага келмаслиги учун қуйидагиларга риоя этиши керак:

манфаатлар қарама-қаршилигини юзага келиши учун сабаб бўлиши мумкин бўлган, олдиниши лозим бўлмаган фойдани олишдан воз кечиш;

юзага келган ёки келиш ҳавфи бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳақида ўзининг бевосита бошлиғига хабар бериш;

гумонли, обрусизлантириши мумкин бўлган шахсий муносабатларга чек қўйиш; коррупцияга қарши курашиш ва ҳар қандай даражадаги коррупционерларини фош қилиш;

манфаатлар қарама-қаршилигининг салбий оқибатларини енгиш бўйича чоралар кўриш.

21. Ходимнинг даромадлар, мол-мулк ва мулкий ҳарактердаги мажбурияти бўйича маълумотлар беришдан бош тортиши, унинг ишончсиз ходим сифатида

баҳолаш билан бирга, бу ҳолат манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши учун муҳим шарт ҳисобланади.

IV. Марказ ходимларининг касбий тайёргарлигини текшириш тартиб-таомиллари ва унга доир талаблар

22. Марказ ўз ходимларининг юқори профессионал даража ва малакага эга бўлишларини таъминлашлари, ўз ходимларининг малакаси ва профессионал даражасини ошириш, ҳамда малака ва профессионал тайёргарлигини текшириш бўйича барча чораларни кўриши шарт.

23. Марказ ходимлари ўз лавозим мажбуриятларини виждонан бажаришлари, ўз ташкилотларига содиқ бўлишлари, уни ривожлантиришга, ишчанлик обрусини оширишга кўмаклашишлари шарт.

24. Марказ ўз ходимларининг лавозим мажбуриятларини нормал бажаришлари ҳамда доимий равишда уларнинг профессионал тайёргарлиги ва малакасини ошириш борасида, шунингдек уларни оргтехника, маълумот ва ўқув-методик нашрлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Марказ ҳужжатлари ва бошқа зарур материаллар билан таъминлаш борасида тегишли чораларини кўришлари шарт.

V. Инсофсиз ҳаракатлар

25. Марказ фаолиятининг ҳалол бажарилишини таъминлашга, шунингдек Марказ ходимларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва ишчанлик обрусини ҳимоя қилишга қаратилган, мазкур Қоидалар билан белгиланган нормалар ва Марказнинг бошқа ички ҳужжатлари ҳамда одоб-ахлоқ қоидалари принципларининг бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар инсофсиз деб ҳисобланади.

26. Инсофсиз ҳаракатни (одоб-ахлоқни) содир этиш ва ушбу Қоидаларни бузишда айбдор бўлган Марказ ходимига нисбатан Марказнинг ички меҳнат тартиби Қоидалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ интизомий жазо чоралари қўлланилади.

VI. Яқуний қоидалар

27. Мазкур Қоидалар Марказ раҳбарияти томонидан тасдиқланган ва Марказ веб-сайтида эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.